

3. *International Organization for Migration (2023). – [Uzbekistan — Migration Situation Report — Quarterly Compilation (Jan ...)]*

4. *Migration Data Portal. (2021). [Migration Governance Profile: The Republic of Uzbekistan]*

ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Кучаров Шариф

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Меҳнат бозори тадқиқотлари институти бош илмий ходими

Маълумки, сўнги йилларда дунё мамлакатлари томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар қаторида меҳнат миграциясини тартибга солишни такомиллаштириш дунё ҳамжамиятининг олдида турган асосий вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Асосий эътиборли жиҳатлардан бири шундаки, мамлакатлар орасида меҳнат миграциясида иштирокчи давлатлар сонининг сўнги йилларга нисбатан ортиши ушбу масалага янада кўпроқ эътибор бериш лозимлигини талаб қилмоқда.

Мазкур масалани таҳлил қилишда сўнги йилларда Ўзбекистонда меҳнат миграциясини тартибга солиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мустақкам қонунчилик асослари яратилган ҳолда хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларга кўпроқ имконият ва шароитлар яратишга эътибор қаратилди. Бу борада бир қатор норматив-ҳужжатлар қабул қилиниб кенг омма эътиборига тақдим этилмоқда. Бундан ташқари бандлик тизимида фаолият юритувчи тегишли ташкилотлар томонидан хориж давлатларининг масъул идоралари билан самарали лойиҳаларни амалга ошириш ишлари олиб борилаётганлигини кузатиш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясига мувофиқ меҳнат миграцияси масалаларини тартибга солишда ҳукуматимиз томонидан ушбу масаланинг ижросини таъминлаш мақсадида чет эл ва мамлакатимиз ҳудудларида меҳнат фаолиятини олиб бораётган ишчи мигрантлар ҳаётини ўрганиш кўламини ошириш устивор вазифалардан бири эканлигини кўрсатмоқда. Мазкур масалани ўрганишда албатта ташқи миграция бозорида касбий таълимни аҳамиятини таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси президентининг 2020 йил 11 августда қабул қилинган “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4804-сонли қарори мамлакатимизда меҳнат бозорининг самарали механизмларини жорий қилиш, аҳолининг ишчанлик фаоллигини ошириш, камбағал ва ишсиз

фуқароларни замонавий касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, шу асосда уларни доимий даромад келтирадиган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали бандлигини таъминлаш қаторида миграцияда банд бўлган аҳоли қатламига касб-ҳунар ва билим кўникмаларига эга бўлиш каби вазифаларни белгиланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу масалани кенгроқ ёритишда ташқи меҳнат миграциясида иштирокчи мигрантларни миграцион жараёнларни тартибга солиш бўйича фикрларини ўрганиш ва келгусида ушбу масала бўйича ислоҳатлар олиб боришда фойдаланиш ва миграция тизимидаги ҳақиқий ҳолатини ўрганиш асосида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жумладан ушбу ишлар замирида меҳнат мигрантларининг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш, уларнинг оила аъзолари учун ипотека кредитларини ажратиш, вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган фуқароларнинг транспорт харажатларини субсидиялаш, шунингдек, хорижда ишламоқчи бўлган шахсларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, қайтиб келган меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш мақсадида банд бўлмаган ёшлар ва аёлларнинг касбга ўқитиш харажатларини қоплаш учун иш берувчиларга субсидия тақдим этиш бўйича кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Айниқса ишсиз аҳолини касбга тайёрлашда Корея халқаро ҳамкорлик агентиги (KOICA) тажрибаси асосида «Ишга марҳамат» мономаркази ҳамда унинг ҳудудий филиаллари ёрдамида ташқи меҳнат мигрантларини хорижий тилларга, касбга ва хорижий мамлакатлар қонунчилигини ўргатиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатимиз томонидан ташқи меҳнат миграция сиёсатини такомиллаштириш ва тартибга солиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар замирида хорижда ишлаётган фуқароларнинг касбий таълим даражасини аниқлаш ва уларни касб ўрганишга бўлган тайёргарлигини таҳлил қилишда миграция жараёнида мигрантларнинг касбий таълим ва касбий кўникма даражасини ошириш бўйича ислоҳатларни кўчайтириш лозимлигини талаб қилмоқда.

Таҳлиллар жараёни шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги 2018-2022 йилларда республикамиз ҳудудларида ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш борасида меҳнат миграциясида иштирок этган мигрантлар кесимида аниқ касбий билим ва кўникмаларга эга бўлмаган турли ҳунар ва касб бўйича қисман бошланғич маълумотга эга бўлганлар юқори устунликда 39,0%, ҳеч қандай касбий билим ва кўникмаларга эга бўлмаган мигрантлар 40,3%, умумий аниқ касб-ҳунарга эга бўлган мигрантлар 20,7% улуш билан кескин фарқланиши кузатилган. Ушбу ўрганилган таҳлилдан хулоса қилиш мумкинки, мигрантларнинг шу давр мобайнида хорижда меҳнат фаолиятларини олиб боришларида қисман бошланғич

маълумотга эга бўлганликлари, тўлиқ касбий билим ва кўникмаларига деярли эга бўлмаганликлари аниқланган⁴⁴.

Ушбу ўрганилган таҳлилдан хулоса қилиш мумкинки, мигрантларнинг шу давр мобайнида хорижда меҳнат фаолиятларини олиб боришларида аниқ касбий билим ва кўникмаларига деярли эга бўлмаганликлари аниқланган. Шунингдек, касбий таълимни аниқлашдаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, миграция иштирокчилари томонидан касбий билим ва кўникмаларни эгаллашдаги улуши ўрганиб чиқилганда 2019-2023 йиллар мобойнида мигрантлар асосан меҳнат бозори тажрибасида эскирган тўрғун касбий билим ва кўникмалар асосида меҳнат фаолиятини олиб бораётганликлари кузатилган.

Шу мақсадда бугунги кунда давлатимиз томонидан ташқи меҳнат миграция сиёсатини такомиллаштириш ва тартибга солиш борасида олиб борилаётган чоратадбирлар замирида республикаимиз аҳолисини расмий меҳнатга жалб қилишда меҳнатда лаёқатли аҳоли сонини ўзгариш тенденциясидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий канал ва механизмлардан фойдаланиб бугунги кунда меҳнат бозорида кириб келаётган ёшларни дунё меҳнат бозори стандартлари ва талабларига мувофиқ келажакда меҳнат бозорида ўз ўринларини топишларида касбий таълим соҳасига инвестиция киритиш орқали инсон капиталини ривожлантириш лозимлигини кўрсатмоқда. Бунга мисол сифатида кўпгина мамлакатлар айниқса, Шарқий Осиёдаги "Осиё йўлбарслари"лари мамлакатларининг инсон ресурсларини ривожлантиришда таълимга салмоқли инвестиция киритиш орқали меҳнатга лаёқатли аҳоли балансини тўғри тақсимланишига эришганлиги кузатилган⁴⁵.

Дарҳақиқат, тараққиёт йўлида изчил ривожланишда ҳал қилувчи муҳим мезон – бу, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган мутахассислар ҳисобланади. Ўзбекистонда аҳоли интеллектуал салоҳиятини оширишда таълим соҳасига сармоя киритишнинг аҳамияти меҳнатга лаёқатли аҳолининг касбий салоҳиятни шакллантириш ҳисобланади. Таълим қай даражада ривожланган бўлса, миллий иқтисодиётда шунга мос касбий тайёргарликка эга бўлган ходимлар фаолият кўрсатади ва шунга мос равишда иқтисодий ўсишга эришилади. Таълим соҳаси иқтисодий ўсишга эришишнинг имконияти ҳисобланади. Зеро, таълим тизимига ажратилган бугунги инвестиция келажакда меҳнатга лаёқатли аҳолининг нафақат ички меҳнат бозорида балки бугунги иқтисодий ривожланиш даврининг ўтиш жараёнида ташқи меҳнат бозорида ақлли мигрантлар платформасини яратилишини кафолатлашига асос бўлиб хизмат қилади.

⁴⁴ "Меҳнат миграцияси масалаларини ўрганиш" мавзусида Вазирлар Маҳкамасининг 15.05.2007 йил 97-сонли қарори асосида ўтказилган социологик тадқиқотлар натижалари (2018-2022й).

⁴⁵ ПОКОЛЕНИЕ 2030. ОТЧЕТ 2018г. ООН (ЮНИСЕФ)